

Хизмат кўрсатиш регламенти «Радиоҳалақитларни бартараф қилиш»

1. Хизматнинг (паспорт) тавсифи:

1.1. Хизмат номи

Радиоҳалақитларни бартараф қилиш.

1.2. Хизмат натижаси

Радиоҳалақитларни аниқлаш ва бартараф қилиш ёки бартарафни рад этиш. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга ва чет эл фуқароларига тегишли барча турдаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларда аниқланган радиоҳалақитлар манбаи устидан “ЭМММ” ДУК ходимлари ўрнатилган тартибда далолатнома тузишади ва радиоҳалақитни бартараф этиш муддати белгиланган ҳолатда радиоҳалақит эгасига топширилади. Далолатномани талабларини бажариш юзасидан назорат ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Қўшимча “ЭМММ” ДУК аризачига радиоҳалақит аниқлангалиги тўғрисида ва радиоҳалақит эгасига манбани бартараф қилиш бўйича мурожат қилади.

1.3. Ташкилот хизмат кўрсатиш ва намуна олиш жойи

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг радиочастота органи “Электромагнит мослашув маркази” ДУК аризаларни қабул ва кўриб чиқишни амалга оширади.

Тавсия этилган намуналар аризачи электрон кўринишда www.cemc.uz сайтдан олиш имконияти мавжуд.

1.4. Хуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги № 725-І сонли “Радиочастоталар спектри тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги томонидан 23.09.2004 йилдаги № 1413 сонли рўйхатга олинган ва ЎзААА бош директорининг 14.09.2004 йилдаги № 305 сонли буйруғи билан тасдиқланган “Радиочастота спектр мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги” низоми;

Ўзбекистон республикасининг Адлия вазирлиги томонидан 21.01.2006 йилдаги № 1543 сонли рўйхатга олинган ва ЎзААА бош директорининг 12.01.2006 йилдаги № 9 сонли буйруғи билан тасдиқланган “Радиоалоқа воситаларига, телевидение ва радиэшиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиоҳалақитларни бартараф этиш учун буюртмани қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”;

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар ва чет эл фуқароси.

1.6. Мурожаат этиш муддати

Қонунчилик билан ариза бериш муддати белгиланмаган.

1.7. Ижро муддати

Буюртмаларни кўриб чиқиш муддатлари ЎзААА бош директорининг 12.01.2006 йилдаги № 9 сонли буйруғи билан тасдиқланган “Радиоалоқа воситаларига, телевидение ва

радиэшиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиоҳалақитларни баргараф этиш учун буюртмани қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома” белгиланган.

-кўпи билан 5 иш куни -радиоҳалақит манбаини излаш талаб этилмаганда;

-кўпи билан 12 иш куни -радиоҳалақит манбаини излаш зарур бўлганда;

-кўпи билан 30 иш куни -радиоҳалақит манбаини излаш қийинчилик туғдирган ҳолатда, бу ҳақда буюртма берувчи хабардор қилиниши керак;

1.8. Қабул қилиш муддати

Ягона порталда рўйхатга олингандан сўнг аризани 3-кун ичида ижро учун қабул қилинади.

2. Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш

2.1. Маълумотларни таркиб ва ҳажми

Ҳар бир мурожаат қилган шахсга қуйидаги маълумот олиш кафолатланган:

- хизмат кўрсатадиган ташкилотнинг жойлашган жойи, кўрсатиладиган хизматлар, унинг иш жадвали, ташрифчиларнинг қабул қилиш жараёни (телефон орқали рўйхатга олиш, мурожаат куни қабул қилиш, жонли навбат ва ҳаказо);

- хизматдан фойдаланиш учун керак бўлган ҳужжатлар рўйхати ҳақида;

- тўлдирилиши керак бўлган бланк намуналарини олиш усуллари ва тартиби, тўлов тартиби ҳақида;

- хизматни олиш тартиби;

- хизмат кўрсатиш муддати;

- хизмат кўрсатиш регламенти борлиги ва регламент билан танишиш.

2.2. Кенг хабардор қилиш

Қўшимча маълумот электрон манзилда www.cemc.uz, ва аризачи 230 41 34; 202 61 78 телефон орқали мурожаат қилишлиги мумкин.

2.3. Мурожаат бўйича ахборот

- шахсан: хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай саволларга оғзаки маслаҳат ва стандарт текст кўринишида ёзма маълумот бериш, давлат божи тўлаш реквизитлари, керакли ҳужжат таркиби 09-00 дан 18-00 гача;

- телефон орқали (2304134): катта ҳажмдаги аниқ маълумотларни узатиш, масалан, давлат божи реквизитлари бўйича ҳар қандай саволларга оғзаки консултация хизматидан фойдаланиш 09-00 дан 18-00 гача;

- Факс орқали (2306112): кечаю кундуз барча ёзма мурожаатлар, соат 9-00 18-00 буюртма бўйича ёзма ҳужжатлар узатиш;

- Электрон манзил: info@cemc.uz

2.4. Хизмат кўрсатиш бўйича маълумот бериш жойи

Тошкент ш. Нукус кўчаси 22Б. Нукус ва Шевчеко кўчаларининг кесишуви, 4 қавватли “Ўзбектелеком” биноси, 2, 55, 60, 80, 93-сонли автобуслар “94 мактаб” бекати. Мўлжал: 94-сонли ўрта мактаб, Тошкент ш. Миробод тумани Солиқ инспекцияси.

2.5. Фойдаланадиган ҳужжатлар бланкалар (нусхалар)

Эркин шаклда мурожат хати.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Иш вақти соат 9-00 -18 00 гача. Дам олиш кунлари шанба, якшанба.

3.2. Қутиш шартлари

Қутиш шартлари навбат билан белгиланади, агар навбат бўлмаса қутиш даври минимал ҳоллатда.

4. Хизмат кўрсатиш услуби

4.1. Керакли ҳужжатлар

Буюртмалар РЭВ эгалари ва жисмоний шахслардан ТВ ва РЭ радиоҳалақитларни бартараф этиш бўйича ёзма равишда ва оғзаки 202 61 78 телефон орқали қабул қилинади.

4.2. Хизмат тўловлари

Хизмат бепул.

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

а) Эркин шаклда “ЭМММ” ДУК бошлиғи номига радиоҳалақитни аниқлаш учун хат (мурожаат).

б) Аризани бажариш учун керакли бўлимга (таркиб) “ЭМММ” ДУК бошлиғини топшириғи.

в) Аризани 1543 сонли йўриқномага мувофиқ кўриб чиқиш.

г) Радиоҳалақитни бартараф қилиш ёки бартарафни рад этиш.

д) Мурожаатчига жавоб хати.

4.4 Давлат хизматини амалга ошириш қорхонанинг ички босқичлари

Маъсул ходимга ариза узатилиши. Маъсул ходим ўлчов ишларини режалаштириб ва кўшимча ходим ва керакли ускуналар жалб қилади, ва ўлчов муддатларини аризачи билан келишган ҳолатда амалга оширади.

4.5 Рад этиш ҳолати

Аниқланган РЭВ носоз ҳолатда фойдаланишда,

Иккиламчи асосда ишлаётган РЭВ мурожати бирламчи асосда фойдаланаётган РЭВдан таъсир этса,

Радиоҳалақит таъсир этиш жараёнида ТВ ва РЭ қабул қилиш ускунаси ишончли қабул қилиш ҳудудидан ташқарида бўлса.

5. Сифатни таъминлаш

5.1. Сифат параметрлари

Мурожаатни кўриб чиқиш муддатлари.

5.2. Сифатсиз хизматлардан шикоятлар

Сифатсиз хизматлар кўрсатилган ҳолатда аризачи сифатни бошқариш хизмати, “ЭМММ” ДУК раҳбарияти, юқори ташкилотларга ёки судга мурожаат қилишга ҳаққи бор.

Илова №1

Радиоҳалақитларни бартараф этиш бўйича Давлат хизматининг тақдим этиш чизмаси.

